

**МИЯ ПАРДАЛАРИ. ЛИКВОР.
МЕНИНГИТ. ЛЕПТОМЕНИНГИТ.
ХОРИОЭПЕНДИМАТИТ**

**Асаб касалликлари кафедраси
проф. Ибодуллаев З.Р.**

• ©Z.Ibodullaev ©www.asab.uz

Бугунги маърузада нималар ёритилади?

1

- Мия пардалари ва ликвор айланиши.

2

- Менингит ва менингеал синдром


3

- Лептоменингит


4

- Хориозэпендиматит


Мия пардалари ва ликвор айланиши




**Эслаб қолинг! Бир кунда 400-450 мл
ликвор ишлаб чиқарилади.**



Мия пардалари




СИНУСЛАР




Синуслар – қаттиқ парда иккига бўлінган жойларда пайдо бўлади ва миядан венозни олиб чиқиб кетиш вазифасини беради.

Веноз синуслар ва веноз анастомозлар





Цистерна – бироз кенгайган субарахноидал бўшлиқ.



Адаштира! Синусда веноз қон оқса (миядан чиқиб кетса), цистернада ликвор оқади (айланади)!

Мия пардалари






1-ён қоринчанинг олдинги шохи; 2-Монро тешиги; 3-ён қоринча; 4- III қоринча; 5-ён қоринчанинг орқа шохи; 8-Силвий сув йўли; 9-ён қоринчанинг пастки шохи; 10-IV қоринча; 11-Мажанди тешиги; 12-Люшко тешиги (иккита бўлади).

Ликвор циркуляцияси


1. Ён қоринчалар Монро тешиги орқали III қоринча билан боғланади.
2. III қоринча Силвий сув йўли орқали IV қоринча орқали боғланади.
3. IV қоринча ён қоринчалар (Люшко тешиклари) субарахноидал бўшлиқ билан, Мажанди тешиги орқали катта цистерна билан боғланади.
4. IV қоринчанинг пастки учи орқа мианинг марказий каналига ўтиб кетади.

Менингит – мия пардаларининг ўткир инфекциян яллиғланиши



Менингит ҳақида асосий маълумотлар

- 1. Сабаблари:
менингококк,
пневмококк ва ҳ.к;
- 2. Асосан 2 ёшгача
бўлган болаларда;
- 3. Юқумли касаллик;
- Юмшоқ парда ва
арахноидал парда
яллиғланади.



Клиникаси

1

- Тана ҳарорати 41°C
- Сопор, кома

2


- Церебрал қусиш;
- Менингеал ҳолат;

3

- Менингеал симптомлар;
- Танага тошмалар тошиб кетиши


Менингеал симптомлар

1. Энса мушаклари ригидлиги;
2. Кернинг симптоми;
3. Брудзинский симптомлари (юқори, ўрта, пастки).



Лептоменингит

- **Лептоменингит** – бош мия юмшоқ ва арахноидал пардаларининг сурункали яллиғланиши. Асосан тарқоқ церебрал микросимптомлар билан намоён бўлади.



Наби Мажидов
(1928-2010)

Лептоменингит турлари

1

- Конвекситал

2

- Базал (оптикохиазмал, интерпединкуляр)

3

- Диффуз

4

- Мияча-кўприк бурчаги

5

- Краниоспинал

Лептоменингит клиникаси

1

- Конвекситал –тутқаноқ хуружлари+енгил ифодаланган пирамидал микросимптомлар

2

- Оптикохиазмал – кўрув нерви функцияси бузилишлари билан

3

- Мияча-кўприк бурчаги – 7 ва 8 нервлар+мияча симптомлари билан

4

- Краниоспинал – церебрал ва спинал симптомлар билан

Эслаб қолинг!

- Лептоменингит юқумли касаллик эмас ва унда менингеал симптомлар бўлмайди!

Хориоэпендиматит (Мажидов касаллиги)

1

- 1972 йили проф. Н. Мажидов ушбу атамани таклиф қилган.

2

- Хориоэпендиматит – мия қоринчалари эпендимаси ва хориоидал чигаллар яллиғланиши.

3

- Асосий симптоми – интракраниал гипертензия!

Хориоэпендиматит клиникаси-1

Хориоэпендиматит бош оғриқлар ва кучли ифодаланган вегетатив бузилишлар билан бошланади. Юз гиперемияси, гипергидроз, қизил дермографизм, енгил гиперсаливация ёки оғиз қуриши, уйқусизлик ёки кўп ухлаш, кардиалгия, реактив артериал гипертония ёки гипотония, синкопал ҳолатлар, тахикардия, умумий титроқ, совқотиш ёки қизиб кетиш, акроцианоз, полиурия каби вегетатив бузилишлар аниқланади.


Хориоэпендиматит клиникаси-2

- Тригеминал ва оксипитал нуқталар оғриқли;
- Кўз олмаларини босиб текшириш оғриқли;
- Калла қутисини перкуссия қилиш оғриқли;
- Кўз олмалари ҳаракатлари оғриқли;
- Енгил горизонтал нистагм;
- Пай рефлекслари иккала томонда ҳам ошган;
- Умумий гиперестезия;
- Қўлларда тремор ва Ромберг синовидида енгил чайқалиш.

Симптомлар сабаби нима?

- Бу симптомларнинг барчаси ликвор босимининг ошиши ва шу сабабли интракраниал бўшлиқлар кенгайиши билан боғлиқ.

нормальный
желудочек мозга



расширенный
желудочек
внутричерепное
давление



Лептоменингит ва хориоэпендиматит давоси

1

- Интракраниал гипертензияни туширувчи дорилар

2

- Микроциркуляцияни яхшиловчи дорилар

3

- Десенсибилизация
- Иммуномодуляторлар

Эътиборингиз учун раҳмат!

